

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАФТА ИЧИДА

● Мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида «Бетакро-римсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» шиори остида «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» мавзусида Мустақиллик дарслари ва Маънавият соатлари юксак савияда ўтказилди. Ўқувчиларга Мустақиллик аталмиш буюк неъмат халқимиз учун миллий давлатчилигимиз, ўзлигимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аждодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш борасида беқиёс имкониятлар очиб бергани ҳаётий мисоллар асосида тушунтирилди.

● Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан йиғилиш ўтказилди. Видеоконференция тарзида ўтказилган мазкур йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўтказилган ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда ўз ечимини кутаётган айрим долзарб масалалар бўйича мутасаддиларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

● Пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан тадбир ўтказилди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари аъзолари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжихатлик шароитида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

● Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан «Мустақиллик йилларида маҳалла институти: тажриба, амалиёт ва устувор вазифалар» мавзусида анжуман ўтказилди.

Ҳозирги пайтда юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли бажарила-япти. Тадбирда истиқлол йилларида маҳалла институтини ривожлантириш борасида тўпланган ижобий тажрибалар билан бир қаторда, келгусидаги устувор вазифалар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми.
Бошланғичи 1-бетда).

Мамлакатимиз ер юзидagi энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича, Ўзбекистон «Бутунжаҳон бахт индекси»да 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гуруҳ-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз қўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқараши, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгилик қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар – камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққилларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Ҳеч кимга сир эмас – биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, палатпартиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалар-

дан нусха олмадик, узоқни кўзламайдиган «маслаҳатчи»лардан йироқ бўлдиқ. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елпи қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион – тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида «Ўзбек модели» деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.

Азиз юртдошлар!

Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзуинтилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.

Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаёти-мизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итлоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бугун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмай-миз, иншооллоҳ.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз – мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан **иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.**

Бугунги кунда **иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш,** юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш

тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида **бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қадар қисқартириши бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.**

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият гоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмаслигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомиди, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, **юзга келадиган қарама-қаршилик ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутати.**

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: **Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисига бўлишига мутлақо йўл қўймайди.** Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айна шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман – бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу – ўзбек халқининг истаги, бу – ўзбек халқининг мақсади, бу – ўзбек халқининг қароридир.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаёти-миз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжихатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва кўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон ҳаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, **бунинг негизидида аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачигидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидо-корона меҳнати, ақлу заковати, мухтакам ирода-си мужассамдир.**

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаёти-мизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, муносиб аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман.

Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун – келажак сизники!

Азиз ва мухтарам ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилақларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон – Хитой:

ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, sanoat, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларининг барча йўналишларини қамраб олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатилган тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор муҳим ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожидан Ислон Каримов билан Си Цзиньпин ўрта-

сидаги яқин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустақамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Давлатимиз раҳбари 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислон Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити доирасида Уфа шаҳрида ҳам учрашдилар.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда Хитой

билан ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, “Навой”, “Жиззах” ва “Ангрен” индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари самарали ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир. Юртимизда Хитой сармоёси иштирокида тузилган беш юздан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги 6 йилда 3 карра ортиб, 2014 йилда 4,7 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсди.

Ислон Каримов Хитой билан ҳамкорликни юксак қадрлашни, ўзаро ишонч ва

манфаатдорликка асосланган алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонни истиқболли стратегик шерикларидан бири деб билишини, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Ислон Каримов байрам тантаналари муносабати билан Хитойга тақлиф этилган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

ЎзА.

ДУНЁДАН



ДАРАКЛАР

БЕШ СОАТ ДАВОМИДА

Ҳиндистоннинг жанубида тезюрар йўловчи поезднинг бешта вағони издан чиқиб кетди. Оқибатда 42 киши жароҳатланди. Уларнинг беш нафари оғир аҳволда. Ушбу ҳодиса Куддалор шаҳри яқинида юз берди. Поезд Ченнаидан Мангалорга қараб йўлга чиққан эди. Йўл-транспорт ҳодисаси натижасида беш соат давомида ушбу йўналишда поездлар қатнови тўхтатиб қўйилди.

СУД ОРДЕРИ КЕРАК БЎЛАДИ

АҚШ Адлия вазирлиги махсус хизматларнинг уяли телефонларни мосламалар ёрдамида қузатиш бўйича ваколатларини чеклади. Энди улар бунинг учун сўровларини асослаб, тегишли суд ордерини олишлари лозим бўлади. Илгари Федерал тергов бюроси ва Гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши курашиш бошқармаси ходимлари бундай мосламалардан суднинг руҳсатини олмасдан, ҳатто сабабини изоҳлаб ўтирмасдан фойдаланишлари мумкин эди. Жамоатчилик талабига кўра Президент Барак Обама мамлакат махсус хизматларининг электрон воситалар ёрдамида тезкор маълумотлар йиғиш тизимини ислоҳ қилишни бошлаган эди. Юқоридаги ўзгаришлар ҳам ана шу ислохотларнинг натижасидир.

ҚҮРҒОҚЧИЛИК ТУФАЙЛИ

Молдовалик фермерлар қийин даврни бошдан кечиришмоқда. Қурғоқчилик туфайли улар етиштирган узум ҳосилининг анчагина қисми нобуд бўлди. Бунақанги қурғоқчилик мамлакат тарихида сўнгги 70 йил ичида умуман қайд этилмаган эди. Баҳордан бошланган бундай об-ҳаво шароити ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Юқори ҳарорат туфайли республикадаги барча тоқзорларга зарар етди. Жанубий ҳудудлардаги баъзи фермерлар ҳосилнинг ярмидан айрилиб қолишди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳисоб-китобларига қараганда, узумзорлардан ўтган йилдаги қараганда 15 фоиз камроқ ҳосил йиғиб олинади. Бир ёмоннинг бир яхшиси бўлади деганларидек, бу йилги узумда глюкоза миқдори анча кўп бўлиши аниқ.

МИЛЛИАРДЕРНИНГ ҲИММАТИ

Яқин Шарқ ва Африкадан Европага бораётган мигрантлар сони тобора ортмоқда. Фақат жорий йилнинг ўзида уларнинг сони 340 мингдан ошди. Минглаб одамлар йўлда турли фалокатлар туфайли ҳаётдан кўз юмишди. Шу муносабат билан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар Ташқи ишлар вазирларининг яқинда бўлиб ўтадиган учрашувида мазкур масала ҳам муҳокама қилиниши кутилмоқда.

Мисрлик миллиардер Нагиб Савирис муаммони ҳал этиш борасида ўз тақлифини илгари сурди. У Греция ёки Италиядан муҳожирилари жойлаштириш учун орол сотиб олиш истагида. Фақат ушбу оролга мустақил давлат мақоми берилишини сўраяпти. Шундан сўнг оролда мигрантларнинг яшаши, ишлаши учун ўз ҳисобидан зарур шарт-шароитлар яратишини айтган. Маълумотларга қараганда, миллиардер ушбу режасини амалга ошириш мақсадида 100 миллион АҚШ долларигача маблағ сарфлашга тайёр.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг тақлифига биноан 2-3 сентябрь кунлари ташриф билан Пекин шаҳрида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Пекин шаҳрида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этди.

Хитой халқи ўша йиллардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай мардонавор курашиб, Иккинчи жаҳон урушининг ҳур фикрли инсоният фойдасига яқунлаштиришга улкан ҳисса қўшган.

Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонида ушбу ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳарбий парад умумбашарий аҳамият касб этди. Унда ўттизга яқин мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ШХТ каби халқаро тузилмалар раҳбарлари қатнашди.

Ҳарбий парад ўтказилган кўзланган асосий мақсад халқлар озодлиги йўлида жон фидо қилган инсонлар хотирасига ҳурмат баҳо келтириш, дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашда ҳамкорликни кучайтириш, ёш авлод қалбида тинчликни қадрлаш туйғуларини шакллантиришдир.

Давлатимиз раҳбарининг Пекинда ўтказилган тантанали маросимларда иштирок этиши мамлакатимизнинг дунёда тинчлик-осойишталикни мустақамлашга интилиши, шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ташриф асносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари тобора мустақамлашиб бормоқда. Сиёсат, иқтисодиёт, савдо, sanoat, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларидаги кенг кўламли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ва сармоёвий шерик-

ларидан биридир. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бораётир. Хусусан, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 582 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг саксондан зиёди тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг етмишдан ортиқ компанияси ўз ваколатхонасини очган.

2013 йилда ташкил этилган Ўзбекистон – Хитой юқори технологиялар санот парки – “Жиззах” махсус индустриал зонасида мобил телефонлар, тикув машиналари, қурилиш материаллари, қуёш коллекторлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ва Хитойнинг China Railway Tunnel Group компанияси ҳамкорлигида қурилаётган Ангрен – Поп темир йўли Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғининг аҳамият жиҳатидан муҳим бўғинига айланади. Бу мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Ўрта Осиё – Хитой газ қувури қувватларини ошириш, Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминлаш, Муборак газкимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

“ПолиТехнолож” компанияси билан ҳамкорликда Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

“Ўзбекистон – Хитой” ҳамда “Хитой

Халқ Республикаси – Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари ўзаро алоқаларни мустақамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Фан-техника муассасалари ўртасида илмий ҳамкорлик, олий ўқув юрталари орасида талабалар алмашуви кенгаймоқда. Хитойда ўзбек тили, Ўзбекистонда хитой тили ўргатилмоқда. Мамлакатларимизда ўзаро маданий мулоқотни мустақамлашга қаратилган кино кунлари, бадиий кўргазмалар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида 3 сентябрь куни ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян билан учрашди.

Сухбат чоғида Президент Ислон Каримовнинг ушбу ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро стратегик шериклик муносабатларини изчил мустақамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш, савдо-иқтисодий, сармоёвий, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш масалалари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига ташрифи ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига ҳурмат баҳо келтиригани хайрли қадам, Хитой раҳбарияти билан самарали музокаралари халқларимиз манфаатлари йўлидаги муҳим амалий тадбир бўлди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Пекин – Тошкент.

Истиқлол шукуҳи

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

барчага хуш кайфият улашмоқда

Истиқлолимизнинг 24 йиллиги ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармасига қарашли подполковник **И. Ортиқов** командирлик қилаётган ҳарбий қисмда ҳам муносиб нишонланди. Унда юртимиздаги тинчлик-осойишталик, халқимиз эришган улкан зафарлар, бунёдкорлик ишларида барча ҳарбий хизматчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги таъкидланди.

Тантанали кечада ИИБ Қоровул кўшинлари кўмондони, генерал-майор **Д. Пан**, фахрийлар ва барча шахсий таркиб иштирок этди.

– Тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган элнинг байрамлари, шодиёна кунлари кўп бўлади, – деди генерал-майор **Д. Пан**. – Ана шундай дилга яқин бўлган байрамимиз – Мустақиллик кунини арафасида Президентимизнинг Фармони билан бир қатор юртдошларимиз муносиб тақдирланди. Улар орасида она-Ватан олдидаги фидокорона хизматлари учун «Шухрат» медаллари билан тақдирланган гуруҳ командири, катта сержант **А. Рўзиевнинг** борлиги барча ҳамкасбларимизни, шахсан мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Ишончим комилки, сафингизда давлатимизнинг бундан-да юсак мукофотларига сазовор бўладиган фидойи ҳарбий хизматчилар ҳали кўп бўлади.

Шундан сўнг кўмондон содиқ хизматлари ва алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари учун тақдирланган бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларни мукофотлаб, уларга қимматбаҳо эсдалик совғаларини топширди.

Тантанали маросимдан кейин халқимизнинг ардоқли санъаткорлари ва хушовоз хонандалари ижросида байрам концерти уюштирилди. Дилтортар куй-қўшиқларда озод ва обод Ватан мадҳ этилди, юртимиз тинчлиги, осойишталиги, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашига муносиб улуш қўшаётган фидойи инсонлар шаъни улуғланди.

В. ГУЛАМОВ,
майор.

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар марказида Мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида байрам тадбирлари бўлиб ўтди.

Дастлаб «Мустақиллик — энг улуғ неъмат, уни асраш энг катта масъулият» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Уни марказ бошлиғи, полковник **Х. Дўсмаатов** очиб, истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида сўз юритди. Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони **Ж. Турдиев** сўзга чиқиб, бугунги тинч ва дорил-амон кунлар қадрига етиш, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилишнинг нақадар шарафли вазифа эканини эътироф этди.

Шундан сўнг «Кувноқликка элтувчи бахслар» кўрик-танлови бошланди. Унда курсантларнинг «Истиқлол» ва «Бунёдкор» жамоалари ўзаро куч синашди. Иштирокчилар танловнинг танишув, савол-жавоб, эркин мавзу шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Баҳс-

лар якунига кўра, «Истиқлол» жамоаси ғолиб деб топилди.

Мазкур кўрик-танлов ва мусобақаларда фаол иштирок этган курсантлар марказнинг Фахрий ёрлиғи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги Қашқадарё вилояти ИИБда ҳам кенг нишонланди. Байрам тантанасини вилоят ИИБ бошлиғи, полковник **Н. Курбонов** очиб, барчани улуғ айём билан қутларкан, ҳамма соҳаларда бўлгани каби ички ишлар идоралари тизимида ҳам эришилган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тадбирга ички ишлар идоралари фахрийлари, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари тақлиф этилди. Маросимда сўзга чиққанлар тинчлик-осойишталикнинг улуғ неъмат экани, уни асраш йўлида хизмат қилиш шарафли вазифа эканини алоҳида таъкидлади. Тадбир якунида Юртбошимиз Фармонида биноан давлатимизнинг юсак мукофотида сазовор бўлган ходимлар самимий қутланди, уларга ИИБнинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари топширилди.

Н. ХОЛИҚОВ,
катта лейтенант.
Қашқадарё вилояти.

Худди шундай тантанали тадбирлардан бири ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида ўтказилди.



Кичик сержант **Мухриддин ДЕҲҚОНОВ** олган сурат.

Академиянинг Маънавият тарғибот марказида «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида бўлиб ўтган ушбу тадбир Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номли асарининг мазмун-моҳиятига бағишланди. Тадбирни олий курслар бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, подполковник **Ж. Жумабоев** кириш сўзи билан очиб, барча меҳмонлар ва курсантларни энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан самимий муборакбод этди. Шундан сўнг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори **Н. Раҳмонов** сўзга чиқди. Олим ўз нутқида Президентимизнинг юқорида номи қайд этиб ўтилган китобига батафсил тўхталиб, бу асарнинг ватандошларимиз маънавий ҳаётидаги ўрни беқиёс эканлигини мисоллар билан асослаб берди.

Тадбир доирасида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида ёки шўроларнинг сўнги талвасаси» номли хужжатли фильм намойиш этилди.

Михли САФАРОВ,
кичик сержант.

ИИБ Қоровул кўшинларига қарашли подполковник **З. Юлдашев** раҳбарлик қилиб келаётган ҳарбий қисмда Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Кечага ташриф буюрган истеъфодаги подполковник **Ш. Ашуров** ўзининг ҳаёт йўлини тўлқинланиб сўзлаб берди.

Шунингдек, ҳарбий қисм шахсий таркибининг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида»ги Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган очиқ мулоқот ташкил этилди.

Рашид КОМИЛОВ,
оддий аскар.

Гуллар шахри, водий гавҳари деб ном олган Наманганда ҳам Истиқлолимизнинг 24 йиллиги байрами тантаналари бошланганига анча бўлди. Кунини кеча ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармасига қарашли ашула ва рақс ансамбли ходимларининг вилоятга ташрифи байрамона кайфиятни янада кўтарди. Улар

томонидан ижро этилган Мустақилликни, она-Ватанини, бурчга садоқатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар шахсий таркиб қалбига завқ, шижоат бахш этди.

Байрамона руҳдаги тадбир вилоятдаги Алишер Навоий номли мусиқа ва драма театрида ўтказилди. Ходимлар дастлаб Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир **З. Мансуровнинг** «Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» мавзусига бағишланган маърузасини тинглашди. Шундан сўнг театр ижодий жамоаси томонидан намойиш этилган спектакль ходимларга куч-ғайрат бахш этди.

Дилмурод ХЎЖАҚУЛОВ,
подполковник.
Наманган вилояти.

ИИБ ППХ ва ЖТСББга бевосита бўйсунувчи Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини кўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида ўтказилган тадбир ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди. «Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир» мавзусидаги маънавий-маърифий кечани батальон командирининг ўринбосари, подполковник **Х. Эрматов** очиб, тақлиф қилинган меҳмонлар ва шахсий таркибни улуғ айём билан самимий муборакбод этди.



Шундан сўнг филология фанлари номзоди, доцент **Р. Жуманиёзов** сўзга чиқиб, мустақиллигимизни янада мустақамлашда ички ишлар идоралари ходимларининг ўрни беқиёс аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир доирасида хизмат фаолияти давомида намунали хулқи ва интизоми билан ҳамкасбларига ўрнатилган бўлган, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ёшларни она-Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган батальон милиционерлари, катта сержантлар **М. Пайзиев**, **А. Туйғулов** ҳамда **И. Пардабоевларнинг** нафақага чиқишлари муносабати билан улар эсдалик совғалари ва ташаккурнома билан тақдирланди.

М. БОЙСУНОВ,
Абу **КЕНЖАЕВ** олган сурат.

ИИБ Қоровул кўшинлари бош бошқармасига қарашли подполковник **Р. Кенпиев** раҳбарлик қилаётган ҳарбий қисмда бўлиб ўтган тадбирни қисм бошлиғининг ўринбосари, капитан **Д. Очилов** очиб, барчани Истиқлолнинг йигирма тўрт йиллик шодиёнаси билан қутлади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби **Р. Баракаев** сўзга чиқиб:

– Бизнинг энг улкан бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осойишта яшаётгани, жамиятимизда меҳроқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустақамланиб бораётгани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарганидир. Ватан тақдири ва истиқболга дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди, — деди.

Тадбирда мустақиллик туфайли кундан кунга чирой очиб бораётган озод ва обод юртимиз қиёфаси, жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодий ва маданий ҳаётимизда ҳукм сураётган барқарорлик шу заминда яшаётган барча миллатларнинг бугунги иқболи ва ёрқин истиқболини тўла мужассам этганлиги алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Михли САФАРОВ,
кичик сержант.

Юксак мукофот соҳиблари

Ярим тун, ҳамма ширин уйкуда. Урганч шаҳридаги кўчалардан бирида эса ёнғин содир бўлди. Бундан хабар топган кўшнилари зудлик билан вилоят ИИБ ЁХБ навбатчилик қисмига хабар қилишди. Орадан кўп ўтмай шаҳар ИИБ ЁХБнинг 1-ХҲО 1-ХҲК ёнғин ўчирувчилари воқеа жойига етиб келишди. Аҳвол анча жиддий. Олов хонадонни бутунлай эгаллаб олган, энг даҳшатлиси, хонадон соҳиби Р. Матқурбонов ёнғин ичида қолганди. Ёнғин ўчирувчилар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ишга киришишди. Биринчи гуруҳ оловни бартараф этишга, иккинчиси эса хонадон соҳибини қутқаришга ошиқтишди. Кўп ўтмай халоскорлар қуюқ тун орасидан Р. Матқурбонов олиб чиқишди. Кўп ўтмай «тилсиз ёв» бартараф этилди.

Орамизда ўзининг ҳалол хизмати билан юртимиз тинчлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган мард ва жасур инсонлар жуда кўп. Улардан бири Урганч шаҳар ИИБ 1-ХҲО 1-ХҲК катта йўриқчиси, катта сержант Фуломбек Жуманиёзовдир.

ОЛОВНИ ЖИЛОВЛАГАН ЙИГИТ



Бу катта сержант Фуломбек Жуманиёзовнинг хизмат фаолиятидан бир лавҳа холос. У ҳарбий хизматдан қайтгач, вилоят ИИБ ЁХБ ҳузурдаги ихтисослаштирилган фойдаланиш бўлинмасида ишлай бошлади. Хонқалик бу ёш йигитнинг ўз зиммасидаги вазифаларни масъулият билан бажариши бошқарма раҳбариятида ижобий фикрлар уйғотди. У анча вақт

шу соҳада самарали хизмат қилди. Аммо хизматга иштиёқ қанчалик кучли бўлмасин, ёшликдаги орзуси унга тинчлик бермасди. Шу боис у ота-онасининг розилиги билан вилоят ИИБ кадрлар бўлимига мурожат этди.

Ижобий тавсифномага эга бўлган йигит синовлардан муваффақиятли ўтиб, Урганч шаҳар ИИБ ЁХБга ҳайдовчи вазифасига хизматга

қабул қилинди. У энди бу соҳанинг сир-асрорларини янада кунт билан ўрганишга киришди. Устози, тажрибали ҳайдовчи Комилжон Бобононовнинг маслаҳатларига, ўғитларига қулоқ тутди. Билмаганларини сўраб ўрганди. Орадан кўп ўтмай ўзига бириктирилган хизмат автомашинасини мустақил бошқаришга киришди. Қолаверса, зиммасидаги вазифаларни

ўз вақтида адо этиб, жамоат ишларида ҳам фаол иштирок эта бошлади. Айниқса, ёнғинларнинг олдини олиш бўйича ўтказилаётган тадбирларда, дала ўқув-машғулотида унинг ўз ўрни борлиги яққол сезилиб турди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек шарафли касбда кўп йиллардан буён сидқидилдан хизмат қилаётган бу йигит кўплаб ёш ходимларнинг меҳрибон устози ҳамдир. Катта сержант Қутлимурод Худайқов, сержант Элбек Бобононов, сафдорлар Дониёр Отаниёзов, Ўктам Худойберганов сингари кўплаб ходимлар устоз ишончини оқлаб, ўз касбининг фидойиларига айланишган.

– Юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашдан-да улғуворроқ вазифа бўлмаса керак, – дейди Урганч шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ХҲО 1-ХҲК бошлиғи, катта

лейтенант Бунёд Бектурдиев. – Устозимиз катта сержант Фуломбек Жуманиёзов ўз ҳаётини ана шундай шарафли касбга бахшида этаётган инсонлардан бири. Мана, бугун у ўзининг ҳалол хизмати билан халқимизнинг ишончига, давлатимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлди.

Ҳа, Истиқлол байрами арафасидаги бу хушxabар хоразмлик барча ёнғин ўчирувчиларни беҳад қувонтириб юборди. Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан катта йўриқчи, катта сержант Фуломбек Жуманиёзов узоқ йиллик бепуқсон хизмати учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

**Худойберган
ЖАББОРОВ.**
Хоразм вилояти.

Умидли ёшлар

Ички ишлар идораларида осон вазифанинг ўзи йўқ. Умрини ана шундай қийин хизматга бағишлашга қарор қилган инсон юртдошларининг тинч-осойишта ҳаётини таъминлашга масъулдир.

Куйида ана шундай масъулиятли вазифани зиммасига олган осойишталик посбонларидан бири – Тайлоқ тумани ИИБ жамоат тартибини сақлаш гуруҳининг катта инспектори, сержант **Ғофуржон Зубайдуллаев** ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.



МАСЪУЛИЯТЛИ ҒОФУРЖОН

Ғофуржон Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туғилган. Унинг отаси Ботир ака бутун ҳаёти давомида корхонада ишчи бўлиб ишлаган, онаси Сарвара ая эса тиббиёт ходими сифатида фаолият юритган. Ғофуржон касб-хунар коллежини тамомлагач, ИИБ Академияси Сержантлар тартибини тайёрлаш бўйича олий курсларига ўқишга кирмоқчилигини ота-онасига айтади. Улар ўглининг бу ниятига қаршилик кўрсатишмади. Ғофуржон Олий курсларни тугатгач, Тайлоқ тумани ИИБ жамоат тартибини сақлаш гуруҳида катта инспектор сифатида ўз фаолиятини бошлади.

Ғофуржон ўзига юклатилган вазифаларга ҳар доим масъулият билан ёндашади. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида сержант Ғофуржон Зубайдуллаев аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказиши натижасида фуқаролар ўз хоҳишига кўра туман бўлимига учта ўқотар қурол топширишди.

Шу йил «Қорадори – 2015» тад-

бири чоғида сержант Ғофуржон Зубайдуллаев Тўқол қишлоғида яшовчи фуқаро Ж. А. уйида ноқонуний равишда ўқотар қурол сақлаётганини аниқлаган. Ушбу фуқарога нисбатан мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Лавҳамиз қаҳрамони ажойиб расомдир. У, айниқса, табиат манзараларини тасвирлашни яхши кўради.

– Ушбу хизматни танлаганимдан жуда хурсандман, – дейди сержант Ғофуржон Зубайдуллаев. – Бу ерда турфа одамлар билан мулоқот қилишни ўргандим. Бошқаларга қийин вазиятларда ёрдамнинг тегаётганини ҳис этиш ҳам бахт экан. Жамоат тартибига ҳар доим ва ҳамма жойда рия қилиниши керак. Ана шу мақсадга эришиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

С. ШАРИПОВ,
майор.
Самарқанд вилояти.

Суратда: сержант Ғофуржон Зубайдуллаев фуқаролар билан суҳбатлашмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАСА...

Жорий йилнинг март ойида Асака тумани ИИБ тезкор ходимлари хонадонларнинг бирида ўғирлик жиноятини содир этишда гумон қилинаётган 57 ёшли М. Б.ни қўлга олишди. Ушбу ҳолат бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш Асака тумани ИИБ тергов бўлими терговчиси, катта лейтенант **Шарифжон Хурбоевга** топширилди.

– Муқаддам бир неча маротаба судланган М. Б. тергов жараёнида Асака шаҳри ва тумани ҳудудида ўнлаб ўғирлик жиноятларини содир этганлигини тан олди. 2014 йилнинг август ойидан 2015 йилнинг мартгача у пайт пойлаб, хонадон эгалари бўлмаган вақтда турар жойларга кириб, пулларни, уй жиҳозларини, электрон аппаратларни, хўжалик техникаларини, кийим-кечакларни ўмарган, ўғирлаган нарсаларини вилоят марказидаги буюм бозорига сотган. Тергов тадбирларини ўтказиш чоғида гумон қилинувчи яшаган уй кўздан кечирилганда, хилват жойдан «ИЖ-17» русумли ов қуроли топилди. Ўғирлик жиноятдан ташқари, М. Б.га нисбатан ўқотар қуролни ноқонуний сақлаганлиги учун ҳам жиноят иши қўзғатилди, – дейди катта лейтенант Шарифжон Хурбоев.

Айниқса, 2013 йилда босқинчилик жиноятини қандай тергов қилганини лавҳамиз қаҳрамони яхши эслаб қолган. Жиноят тафсилотлари куйидагича. Асакада яшовчи У. Фарҳод кечқурун кафелардан бирининг ёнидан ўтиб кетаётганида, икки нафар маст эркак ўзаро жанжаллашаётганини кўриб қолади. Уларни ажратишга ҳаракат қилади. «Мастдан девона кўрқадим» деб бежиз айтишмас экан. Ҳалиги кимсалар шундан сўнг ўзларини ажратишга интилган йигитни биргалашиб калтаклашга қарор қиладилар. Фарҳод маст кишиларни турли томонга итариб юбориб, ўз ишларини бажариш учун кетади.

Лекин воқеа бу билан ўз ниҳоясига етмаган. Икки соатлардан сўнг ҳалиги кимсалар ўзлари билан яна икки нафар ташиларини етаклаб, ўч олиш, аламларидан чиқиш учун Фарҳоднинг уйига келишади. Автомобилни уй яқинида тўхтатишиб, йигит яшайдиган хонадоннинг дарвозасини тақиллата бошлашади. Фарҳод кўчага чиқади.

– Агар мард бўлсанг, кетдик, эркакчасига гаплашамиз, – дейди чақирилмаган меҳмонлардан бири.

Фарҳод бу таклифга рози бўлиб, уларнинг машинасига ўтиради. Шаҳардан ташқарига чиқишга, улар Фарҳодга ташлашнишиб, уни дўппослай бошладилар. Зўравонлардан бири унинг бошига арматура бўлаги билан уради. Йигит хушидан кетиб қолган, талончилар унинг чўнтагидан 950 АҚШ доллари, 60 минг сўм пул, уяли алоқа телефони олиб қўйишади. Сўнг қонга беланиб ётган жабрдийдани шу ҳолда ташлаб кетиб, воқеа жойидан яширинишади.

Фарҳод ўзига келгач, аранг Асака тумани ИИБга етиб олади ҳамда юз берган ҳодиса ҳақида хабар беради. Қисқа вақт ичида гумон қилинувчиларнинг барчаси қўлга олинди. Тергов ҳаракатлари чоғида улар айбни бир-бирларига ағдаришга уриниб кўришди. Аммо терговчи ишни пухта ўрганади ва улар қилмишларига иқрор бўлади. Суд ҳукмига кўра, айбдорларнинг барчаси қилмишига яраша турли муддатларга озодликдан маҳрум этилдилар.

– Менга ўз касбим жуда ёқади, – деб таъкидлаб ўтди суҳбат сўнгида катта лейтенант Шарифжон Хурбоев. – Ҳеч қайси жиноят иши бир-бирига айнан ўхшамайди. Жиноят содир этган шахсларнинг қилмишига яраша жазо олиши учун терговчи бор билим ва тажрибасини ишга солиши лозим бўлади.

– Терговчи Ш. Хурбоев ҳаммиша билимларини ошириб боришга интилади, ёши катта ҳамкасбларининг тажрибаларини ўрганади, – дейди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Баҳодиржон Камолов. – Хизмат фаолиятини энди бошлаган кезлари унга унча қийин бўлмаган жиноят ишларини тергов қилиш топширилди. Ҳозирда эса кўп эпизодли, мураккаб жиноят ишларини бемалол тергов қилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларини сусайтирмаса, изланишдан тўхтамас, у келажакда ўз ишининг устаси, моҳир терговчи бўлиб етишади.

Борис КЛЕЙМАН.
Анджон вилояти.



ОСОЙИШТАЛИК ПОСВОНЛАРИ

▼ **Транспортдаги ИИБ**

СОҲАГА БЎЛГАН ЭЪТИБОР

Барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз темир йўл тизимида ҳам оламшумул янгиликлар юз бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида жаҳон ҳам-жамиятини лол қолдирадиган даражадаги ютуқлар қўлга киритилмоқда. Биргина «аср қурилиши» дея эътироф этилган «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўли қурилиши бунга яққол мисолдир.



Тўйга тўёна билан деганларидек, Мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллик шодиёналари Қашқадарё воҳаси аҳли учун қўшалок байрамга айланди. Қарши шохбекатида илк бор замонавий «Афросиёб» тезюрар поезди қатнай бошлади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Тошкент – Қарши – Тошкент» йўналишида қатнайдиغان ушбу тезюрар поезд уч соатда йўловчиларни манзилга етказиши.

Дарҳақиқат, бундай янгила-нишлар, яратилаётган имконият-

лардан самарали фойдаланиш, аэропорт ва темир йўл бекатларида жамоат тартибини сақлаш, йўловчилар хавфсизлиги ва пўлат изларда ҳаракатланаётган тепловозларнинг хавф-хатарсиз ҳаракатланишини таъминлашда Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Қарши темир йўл бекати тармоқ ИИБ ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Улар давр талабидан келиб чиқиб, Қарши марказий шохбека-ти ва жойлардаги бекатларда ҳамда Қарши халқаро аэропор-

тида хизматни намунали ташкил этмоқдалар.

– Ходимларимиз марказий шохбекатдан ташқари «Айри-том», «Алатўн», «Қашқадарё», «Тошгузар», «Деҳқонобод», «Ократот» ва «Китоб» бекатларида йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш билан бирга, содир этилиши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиб, рўй берганларини «иссиқ изида» фош этиб келишяпти, – дейди Қарши темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник К. Назаров. – Жумладан, Қарши бирлашган ёнилғи омборидан олиб чиқиб кетилаётган ёнилғи маҳсулоти милиционерларнинг ҳушёрлиги сабабли тўхтатиб қолинди. Ўша куни ҳайдовчи Б.И. ўз бошқарувидаги «МАЗ» русумли автомашинада йигирма литр сигимли тўртта елим идиш-да дизель ёнилғисини олиб кетаётган экан. Ҳолат юзасидан олиб борилган суриштирувларда бирлашган омбор бригадири, таъминотчи ва ҳайдовчи тил бириктириб, саксон литр дизель ёнилғисини ҳужжатсиз олиб чиқиб, ўзлаштирмоқчи бўлишгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар



жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судига юборилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида Қарши халқаро аэропорти ва шохбекати ҳамда темир йўл ҳудудларида 631 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди. Билиб-билмай ҳуқуқбузарликка қўл ўрган шахсларнинг маълум қисми огоҳлантирилган бўлса, баъзиларидан жарима ундирилди. Шунингдек, темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ реабилитация этиш марказига 180 нафар мақсадсиз юрган шахслар келтирилиб, шахси аниқлангач, яшаш манзилига жўнатилди.

Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Амалиётда буни широр деб билган бўлим ходимлари тасарруфдаги ҳудудлардан ташқарида содир этилаётган жиноятларни фош этишда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Бўлим ходимлари аср вабоси ҳисобланган гиёҳвандликка қарши курашиш билан бирга ушбу турдаги жиноятларни фош этиб, захри қотил шайдоларининг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйишмоқда.

Жумладан, Қарши туманида яшовчи Х.Х. июль ойининг ўрталарида таниши Т.Т.га қўнғироқ қилиб, кўкнор гиёҳвандлик моддаси борлигини, уни сотиб беришни таклиф қилади. Ўзаро келишувга кўра улар учрашиб, икки донга қуритилган кўкнор бошоғи ва барглари 150 минг сўмга сотаётганида қўлга олинди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Албатта, фаолиятда бундай ижобий натижалар бўлим ходимларининг фидокорона хизмати туфайли қўлга киритилмоқда. Бўлим ЖК ва УЖҚБ катта тезкор вакили, майор М. Хўжакулов, ЭКГ катта эксперти, майор А. Шукуров, тергов бўлинмаси терговчиси, катта лейтенант О. Эшқулов, навбатчилик қисми катта навбатчи инспектори, капитан А. Раҳматуллаевларнинг алоҳида хизматини эътироф этиш жоиз.

Содиқ РАХИМОВ.

Қашқадарё вилояти.

Суратда: Қарши темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ ходимлари фаолиятдан лавҳа.

▼ **Патруль шаҳар кезади**

ҲАМИША ҲУШЁР ХОДИМЛАР

Фарғона шаҳрининг бугунги жамолини кўрган киши ҳайратдан лол қолади. Бу ердаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари нафақат гўзаллиги, балки миллийлиги билан ҳам меҳмонларнинг ҳавасини келтирмоқда. Мана шундай гўзал ва бетакор шаҳарда жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш сингари масъулиятли вазифаларни адо этишга вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Ходимларнинг ўз касбини пухта эгаллагани, ҳушёр ҳамда зийраклиги туфайли тинчлик-осойишталик таъминланаяпти. Улар туну кун шаҳар ҳудудидаги барча мавзе ва дам олиш масканлари, аҳоли гавжум жойларда хизмат ўташмоқда. Шунингдек, жамоат жойларида тарғибот ишларининг йўлга қўйилгани ҳам мақсадга эришиш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, батальон ходимлари бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган барча тезкор-профилактик тадбирларда фаол иштирок этишяпти. Масалан, «Тозалаш – Антитеррор» тадбири жараёнида жиноят содир қилиб, терговдан қочиб юрган уч нафар шахс қўлга олинди.

Батальон ходимлари осойишталикни барқарор таъминлаш билан бирга фуқаролар ўртасида турли ташвиқот ишларини олиб боришаётган бўлишса-да, айрим кишиларнинг ноқонуний

хатти-ҳаракатлари ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилмоқда. Фарғона политехника университетининг асосий йўлаги олдида маст ҳолатдаги икки кишининг ўзаро жанжали шу жойдан кириб-чиқаётган ёшларнинг маънавиятига таъсир қилаётгани ўтиб-қайтувчиларнинг хаёлига ҳам келмасди. Бу ҳуқуқбузарлар қонун доирасида жавобгарликка тортилди.

Ёшларимиз маънан бой, жисмонан бакуват бўлишлари учун ҳукуматимиз уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Фарғона шаҳрида ҳам ёш авлоднинг ўқиши, бўш вақтларида жисмоний машғулотлар билан шуғулланишга алоҳида эътибор қаратилган. Шаҳарнинг кўплаб мавзёларида замонавий спорт заллари, ўйингоҳлар қурилди, улар ҳозирда ёшлар билан гавжум.

Аммо ана шу жойлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, ёшларни жамиятимиз учун ёт бўлган ғоялар



таъсирига туширишни режалаштирганлар қилмишига яраша жазосини олмоқда. Фарғона шаҳрида вақтинчалик истиқомат қилаётган, асосий яшаш манзили Наманган вилоятида бўлган шахс ана шундай кимсалардан экан. У ўйингоҳлардан бирига томошабин сифатида кириб, бир неча нафар ёшларни ўз атрофига тўплаб, уяли телефонига ёзиб олинган диний-экстремистик мазмундаги маърузаларни қўйиб эшиттираётганда шу жойда хизмат вазифасини ўтаётган батальон ходимлари, сафдорлар А. Кушвақов, А. Валиев ва Г. Низомов томонидан қўлга олинди.

Бир сўз билан айтганда, батальон ходимлари юртимизда тинчлик-осойишталикни барқарор таъминлаш йўлида бор тажрибаларини, куч-ғайратларини ишга солишмоқда. Бу борада уларни жисмонан чиниқтириш, юксак маънавиятли бўлишлари ҳамда жиноятларга қарши курашишда фуқаролар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашлари учун раҳбарият томонидан ўқув машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиб борилаётир.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Фарғона вилояти.

Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

ХАЛҚНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ



▼ *Одам савдоси — олам муаммоси*

ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ

барчамизнинг бирдек вазифамиздир

Мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги ҳамкорлиги йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Фуқароларимизнинг хорижда таълим олиши, тажриба алмашиши, саёҳат ва меҳнат қилиши учун катта имкониятлар яратилмоқда. Аммо айрим кимсалар бундай имкониятлардан фаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга, ўқишга ёки ишга жойлаштириб қўйиш баҳонасида кимларнидир ўзга юрталарга олиб бориб сотиб юбормоқда, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришга уришмоқда.

Ҳазорасп тумани ИИБ ходимлари одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Бунда аҳоли ўртасида турли профилактик тадбирлар, чунончи, корхона ва ташкилотларда, таълим муассасаларида, маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатларининг ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бундай тадбирлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлиmlари ҳамда бошқа турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда ташкил қилинаётгани уларнинг самардорлигини таъминлаётди.

Жорий йилнинг ўтган даврида туман ИИБга одам савдоси билан боғлиқ бўлган саккизта ариза келиб тушган бўлиб, ўрга-

ниш давомида бу муурожаатларда жиноят аломатлари йўқлиги сабабли тегишлилик бўйича бошқа ташкилотларга юборилди.

— Ўтган йили ҳудудимизда одам савдоси билан боғлиқ битта жиноят қайд этилганди, — дейди туман ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Алишер Матёкубов. — Ҳазорасплик Н. Г. ҳеч қаерда ишламайдиган урганчлик К. С. билан жиний тил бириктириб, бир неча қизларни қаматиб юбориш, ўлдириш билан кўрқитиб, ўз уйларида улардан шахвоний мақсадларда фойдаланиб келишган. Бундай қонунбузарлик ҳолатидан хабар топган ходимларимиз махсус рейд тадбири ўтказишди ва уларни жиноят устида қўлга олишди.

Ёнгинамизда содир бўлаётган бундай воқеаларнинг гувоҳи бўлиш, эшитиш нақадар аянчли. Жамиятимизга, турмушимизга салбий таъсир этаётган бу каби иллатларга ўз вақтида барҳам бермасак, улар янада оғир оқибатларга олиб келиши таъин. Демак, одам савдосига қарши курашиш фақатгина тегишли идораларнинг иши бўлибгина қолмай, кенг жамоатчилик ҳам бу масалага жиддий ёндашмоғи лозим. Ана шундагина жамиятимиз ривожига салбий таъсир этаётган иллатга чек қўйган бўламиз.

Худойберган ЖАББОРОВ.

Хоразм вилояти.

ЎФРИНИ «РОККИ» ТОПДИ

Кармана туманидаги Нарпай қишлоғида яшайдиган Қодировлар хонадонида ўғирлик содир бўлди. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланган номаълум шахс уйга кириб 500 минг сўм пул ва бир неча тилла тақинчоқларни ўғирлаб кетди. Хонадон эгалари тезда туман ИИБга бу ҳақда хабар беришди.

Воқеа жойига етиб келган тергов-тезкор гуруҳи фурсатни бой бермай тезда ишга киришди. Гуруҳ таркибида бўлган кинолог, кичик сержант Шерзод Раҳмоновнинг «Рокки» лақабли хизмат ити из олиб, осойишталик посбонларини шу маҳалладаги Ю. К. нинг уйига бошлаб борди. Гумон қилинувчи аввалига айбини тан олмади. Аммо «Рокки» беркитилган тилла буюмларни топгач, унинг ўғрилиққа қўл урганига иқрор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Кейинги йилларда ички ишлар идораларида хизмат итларидан кенг фойдаланилмоқда. Жиноятларнинг «иссиқ изида» фош этилишида кинологларнинг ҳиссаси ортиб борапти. Жумладан, Кармана тумани ИИБ кинолози, кичик сержант Шерзод Раҳмонов ўзининг «Рокки» ва «Багира» лақабли хизмат итлари билан йил бошидан буён қирқдан ортиқ жиноятларнинг очилишида қатнашди.

Шу йил май ойида туман миқёсида «Қорадори» тадбири ўтказилди. Тадбир доирасида Кармана шаҳридаги хонадонлар текширувдан ўтказилаётган пайтда фуқаро Ю. А. негадир ички ишлар ходимларини ҳовлиси-

га киришига қаршилик қилди. Бу бежиз эмас, у ҳовлисида гиёҳвандлик ўсимлигини ўстираётган экан. Кинолог, сержант Шерзод Раҳмонов билан бирга келган «Багира» лақабли хизмат ити буталар орасида кўкнор ўсимлиги борлигини аниқлади.

Туман ИИБда кинология хизмати учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Итлар ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказилиб, машқ майдонида улар билан мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

Навоий вилояти.



Суратда: кинолог, кичик сержант Шерзод Раҳмонов «Рокки» лақабли хизмат ити билан автомашинани кўздан кечирмоқда.

Муаллиф олган сурат.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

Одатда ёнгин хавфсизлиги бўйича профилактик тадбирлар мутахассислар иштирокида, учрашув ёки суҳбат тарзида ўтказилади. Шубҳасиз, бундай профилактик-тарғибот тадбирларининг ёнгинларнинг олдини олишда аҳамияти катта. Шу билан бирга, жойларда ўтказиладиган амалий машқ ва машғулотлар кутилган натижани беради.

Гулистон шаҳар ИИБ ЁХБ ходимлари томонидан ишлаб чиқариш объектларида, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда амалий машқ ва машғулотлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида йигирмадан ортиқ, шунингдек, режадан ташқари ўн марта амалий-тактик машқ ўтказилди. Жумладан, Гулистон истироҳат боғи, марказий ўйингоҳ, вилоят мусикали драма театри, Гулистон давлат университети, марказий деҳқон бозори, вилоят перинатал маркази ва «Сувоқава» корхонасида ўтказилган амалий машғулотларда шартли равишда рўй берган ёнгини бартараф этишда ёнгин хавфсизлиги ходимлари билан бир қаторда ишчи-хизматчилар ҳам иштирок этди.

— Амалиётдан маълумки, — дейди Гулистон шаҳар ИИБ ЁХБ бошлиғи, майор Акмал Ҳасанбоев, — дастлабки чоралар кўрилган жойда ёнгинни кўп талафот етказмасидан бартараф этиш мумкин. Шунинг учун ҳам жойларда кўплаб амалий машқ ва

машғулотлар ўтказяпмиз. Амалий машқдан олдин ишчи-хизматчилар ўртасида назарий машғулот ташкил этилиб, унда ёнгин рўй берганда қан-

дай ҳаракат қилиниши, биринчи галда кўриладиган чора-тадбирлар тушунтирилади. Йил охиригача шахримиздаги камиде йигирмата корхона, ташкилот ва муассасада ана шундай тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Айтиш мумкинки, амалий машқлар шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишда ҳам катта ўрин тутмоқда. Қолаверса, ша-



ҳар ИИБ ЁХБда ички ишлар идораларида амалга оширилаётган ислохотлар, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдида турган муҳим вазифалар, уларнинг касбий ва жанговар тайёргарлик ҳолатини талаб даражасига кўтариш каби долзарб мавзуларда машғулотлар ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликлар асосий қисмининг ёнгин хавфсизлиги ҳолати тўлиқ, қайта, тезкор ва профилактик кўриқдан ўтказилди. Бундан ташқари, шаҳарда мавжуд хонадонларнинг деярли барчасининг ёнгинга қарши ҳолати тўлиқ текшириб чиқилди. Текширув натижалари бўйича ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузган ёки тегишли кўрсатмаларни бажармаган раҳбар ходимлар, жавобгар шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилди. Камчиликлари зудлик билан бартараф этилмаслиги ёнгинга сабаб бўлиши мумкин бўлган етмишдан ортиқ корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, тўрт юзга яқин электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди. Шаҳарда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мавжуд муаммо, камчилик ва нуқсонлар бўйича шаҳар ҳокимлиги ва прокуратурасига ахборотномалар киритилди.

С. АБДУЛЛАЕВ.

Сурдарё вилояти.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

Мамлакатимизда қайси соҳада ислохотлар амалга оширилишидан қатъи назар, ўзининг мустақам, замон талабига мос равишда такомиллашиб борувчи хусусиятга эга бўлган қонунчилик асосига эгаллиги билан аҳамиятлидир. Шу боисдан қонун устуворлигини таъминлашни ўзининг асосий вазифаси деб билган ҳар қандай давлат қонун ижодкорлиги жараёнига алоҳида эътибор қаратади. Зеро, қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичини самарали ташкил этиш ҳамда амалга ошириш натижасида қабул қилинадиган қонунларнинг сифати, халқчиллиги ва ҳаётийлиги таъминланади.

Айнан шунинг учун ҳам ўтган йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов ташаббуси билан барча соҳалар қатори қонун қабул қилишнинг сифатини такомиллаштиришга қаратилган демократик чора-тадбирлар, ҳуқуқий асослар ва механизмлар жорий этилиб, уларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши таъминланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс, жамият ва давлат манфаатларини қонунларда ифодалашни мукамал таъминлашга қаратилган қонунчилик жараёнини ташкил этиш механизмлари белгиланди. Икки палатали парламентнинг жорий этилиши демократик ислохотларни изчиллик билан амалга оширишда сифатли қонунлар қабул қилиш имкониятининг янада кенгайтиришига, қонун ижодкорлиги ва қонунлар ижросини назорат қилиш соҳасида барқарор тизим шакллантирилишига, натижада қабул қилинаётган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошишига, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланишига эришилиб келинмоқда. Чунинчи, мазкур ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди.

Эътиборли жиҳати шундаки, икки палатали тизимда фаолият кўрсатаётган парламентимиз фаолиятининг дастлабки беш йили муҳим бир даврга – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислохот этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келган эди. Ушбу устувор вазифаларни ҳал қилишда умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунликни янада самарали таъминлашга қаратилган 250 дан зиёд қонун қабул қилиниб, ислохотларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшилганди.

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» номли маърузасида парламентнинг кейинги беш йилдаги фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинишида эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилган эди. Хусусан, қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслиги натижасида кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келинаётганлиги таъкидланганди.

Айнан ушбу масала ечимининг ташаббускори сифатида давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йилнинг 12 ноябрида бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» қонун ижодкорлигини амалга ошириш стратегиясини белгилувчи муҳим дастурга айланган эди. Зеро, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислохотларнинг натижалари таҳлил этилган ҳамда эришилган ютуқларга ҳолисона баҳо берилган, шу билан бирга, ислохотларнинг мантиги ва изчиллигини таъминлашга жиддий эҳтиёж мавжудлиги асосланган мазкур Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шунингдек, уларнинг қонунчилик ба-

засини шакллантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27 та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш, суд ҳокимияти

синовдан ўтказиш бўйича биринчи марта ҳуқуқий тажриба амалга оширилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш бўйича олиб бораётган ишла-

вожланган демократик давлатларнинг қонун ижодкорлиги борасидаги тажрибасини чуқур қиёсий таҳлил қилишга ва бошқа қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қонун ижодкорлиги жараёнига ҳам жамоатчилик экспертларини, ҳам тегишли давлат ташкилотлари ва идораларининг вакиллари, мутахассисларини кенг жалб қилган ҳолда муҳокамалар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ҳар бир қўмитада, фракцияда экспертлар гуруҳлари шакллантирилган бўлиб, улар билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айниқса, парламент томонидан муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан жойларга чиқиб тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётгани, фуқароларнинг бу борадаги тақлифлари ўрганилаётгани қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар тарафлама пишиқ-пухта ишланишига хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, парламентнинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, тизимли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар натижаси сифатида жорий йилда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинган бир қатор қонунлар кенг жамоатчиликнинг, экспертларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда, хорижий давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаларини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилганлиги эътиборга молик.

Мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаёпти. Жумладан, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодий энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз бешинчи ўринни эгаллаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллаган. Буларнинг барчаси навқирон давлатимизнинг халқ фаровонлиги йўлидаги ишларига берилган муносиб баҳодир. Мана шундай кўрсаткичларга эришган мамлакатимизнинг янада олға илдамлашини таъминлашда, шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда қонунчилик нормаларини ҳам такомиллаштириб бориш қонун ижодкорларига катта масъулият юклайди.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил бўлди.

Мазкур Концепцияда давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, мамлакат ҳукмати ваколатларини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасида ўзаро тийиб туриш, манфаатлар мувозанати механизмларини янада ривожлантириш ҳамда оптималлаштиришга қаратилган тақлифлар илгари сурилган. Мазкур тақлифлар асосида 2011 йилда ва 2014 йилда Конституциямизга киритилган тузатишлар, давлат қурилиши, шунингдек бошқа қатор соҳаларда қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган халқаро ҳамжамият экспертлари томонидан ҳам демократик ислохотларнинг муҳим босқичи сифатида эътироф этилди. Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиб келинаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг стратегик аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда таъкидлаш ўринли. Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг роли ҳамда аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди. Шунингдек, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш, амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди, энг муҳими, қабул қилинган қонунларнинг бажарилиши ва таъсирчанлиги янада ошишига имкон яратди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, қонун ижодкорлиги жараёнини ташкил этишнинг миллий тажрибамиздаги айрим самарали жиҳатлари хорижий мамлакатлар экспертлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатаси томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини

ри қонун ижодкорлиги жараёнида ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш мақсадида бир неча устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Ана шу устувор вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинган ҳамда бугунги кунда кенг кўламли, тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, қабул қилинган қонунларни ижрочиларга етказиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш ва амалга ошириш самарадорлигини ўрганишни ҳамда шу асосда парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолияти такомиллаштириб борилаёпти.

Иккинчидан, ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида қонунларнинг ўзида унинг амалга ошириш механизмларини имкон қадар тўла акс эттириш ёки қабул қилинаётган қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ барча қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини қонун кучга киргунгача бўлган жараёнда тайёрлаш ва ўз вақтида эълон қилиш диққат марказида турибди.

Учинчидан, қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш учун қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилишни таъминлашга, фракциялараро рақобат муҳитини кенгайтиришга, ри-

▼ Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Бугунги кунда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва фуқаролик жамиятларининг иқтисодий ривожланишига путур етказадиган, демократик институтларни заифлаштирадиган, ижтимоий тартибни бузадиган жиноятчилик кўриниши бўлган коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳамкорлик зарур. Бу дунё миқёсида эътироф этилмоқда.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, коррупция дунё ҳамжамиятига йилига қарийб 80 миллиард АҚШ доллари миқдоридан зарар келтираяпти. Коррупция муаммоси сўнгги йилларда тобора долзарб аҳамият касб этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мазкур иллатга нисбатан одамларда кўникма шаклланиб қолишининг олдини олиш ва унга қарши курашнинг самарали йўллари топиш бу борада асосий мақсад ҳисобланади.

Айниқса, ҳозирги шароитда жаҳон хўжалиги алоқаларига фаол интеграциялашув, иқтисодий ислохотлар жараёнига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича мақсадли фаолиятни амалга ошириш Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Коррупция эса нафақат мамлакатимиз фуқароларининг тадбиркорлик фаолиятини чеклаб қўяди, шу билан бирга, хорижлик ҳамкорларни ҳам мамлакатимиздан узоқлаштириб юборади. Натижада республикаимиз ниҳоятда муҳим капитал қўйилмалар, илғор тажриба ва технология манбаидан ажралиб қолиши ҳамда жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашув имкониятини ҳам йўқотиши мумкин.

Қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, коррупция жамият механизмларининг нормал фаолиятига, миллий иқтисодиёт ривожига ҳали ҳам тўсқинлик қилиб келмоқда. Бу эса фуқароларда давлат институтларига нисбатан ишончсизлик уйғонишига, Ўзбекистоннинг халқаро доирадаги обрўсига путур етишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг қай даражада самара бериши мумкинлиги ҳақида олдиндан атрофлича ўйлаб кўриш талаб этилади.

Бу иллатга қарши курашни жаҳон талаблари асосида шакллантириш мақсадида 2008 йилда давлатимиз БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилди. Уша йили «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши» конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикаси қўшилиши

тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу конвенция талаблари коррупцияга оид миллий қонунчиликни яна бир бор таҳлил этиш, зарурий ҳуқуқий меъёрларни қабул қилиш ва шу орқали коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу конвенция коррупциядек офатга қарши глобал даражада курашишга имкон берадиган халқаро ҳужжат ҳисобланади. Конвенция дунёвий тараққиётга кўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун инсоният жамиятини такомиллаштиришга қаратилган ишларда ҳалоллик, қонун устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳисобот юритиш ва ошкоралик каби фазилатлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда дунёнинг 158 давлати мазкур конвенциянинг аъзолари ҳисобланади.

Конвенциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган янада самарали ва таъсирчан чора-тадбирлар кўриш ҳамда мустақамлашга кўмаклашиш;

б) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

в) ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилиқ ҳамда жамоат ишлари ва жамоат мол-мулкни талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.

Мазкур Конвенциянинг 5-моддасида, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиётига кўра, ҳар бир иштирокчи Давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиёт турларини белгилаши ва рағбатлантиришга ҳаракат қилиши, бу борада тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолаб бориши, зарур ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ ушбу моддада келтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, уларни амалга оширишга кўмаклашишида ўзаро ҳамда тегишли халқаро ва минта-

қавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши тўғрисида баён этилган. Ушбу ҳамкорлик коррупциянинг олдини олишга қаратилган халқаро дастур ва лойиҳаларда иштирок этишини белгилайди.

Конвенцияда коррупция хавф солаётган қуйидаги ижтимоий ҳаёт соҳалари ҳақидаги назарий тасавурлар умумлаштирилган:

– жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги;

– демократик институтлар ва кадриятлар;

– ахлоқий кадриятлар ва адолат;

– барқарор ривожланиш ва ҳуқуқий тартиб.

Ҳужжатда коррупциянинг уюшган жиноятчилик ва жиноий даромадларни легаллаштиришдек жуда хавfli ижтимоий ҳодисалар билан ўзаро боғлиқлигини барча эътироф этганлиги қайд қилинган. Ушбу Конвенция коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий ва меъёрий тартибларни мустақамлаш мақсадида барча мамлакатлар томонидан қўлланилиши мумкин бўлган бир қатор стандартлар, чора-тадбирлар ва меъёрларни камраб олган.

Ҳужжатда ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда коррупциянинг энг кенг тарқалган шакллари жиноятчилик тоифасига киритилиши учун тегишли профилактик ва қонуний чораларни кўришга даъват этилади. Шунингдек, унда БМТга аъзо давлатлар коррупция йўли билан қўлга киритилган маблағлар қайси мамлакатдан ўғрилган бўлса, ўша юртга қайтарилишларини талаб қиладиган бир янги муҳим қоида мавжуд.

Ўз аҳамияти бўйича илк бор қўлланилган бундай қоидалар янги фундаментал тамойилни эълон қилади ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва уни аниқлаш, шунингдек, бундай йўл билан жамғарилган маблағларни қайтариш мақсадида давлатлар ўртасида янада фаол ҳамкорлик учун асосни шакллантиради.

Бундан ташқари, Конвенцияда муқаддам коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама қабул қилинган бир қатор халқаро ҳужжатлар инobatга олинганлиги ва маъқуланганлиги баён этилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда

ушбу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган барча ҳужжатлар тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, амалда муаммонинг ҳал этилишига таъсир этмайди. Ҳолбуки, улар мазкур соҳада халқаро ҳуқуқ нормалари шаклланишида муҳим ўрин тутишини айтиш жоиз.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига (ЖК) жавобгарлик белгиланган қуйидаги ижтимоий хавfli қилмишлар коррупциявий жиноятлар ҳисобланади:

1) Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (ЖК 167-модда);

2) Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш (ЖК 171-модда);

3) Бюджет интизомини бузиш (ЖК 184¹-модда);

4) Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-модда);

5) Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖК 206-модда);

6) Ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 208-модда);

7) Пора олиш (ЖК 210-модда);

8) Пора бериш (ЖК 211-модда);

9) Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 212-модда);

10) Хизматчини пора эвазига оғдириш (ЖК 213-модда);

11) Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (ЖК 214-модда);

12) Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (ЖК 235-модда);

13) Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш (ЖК 236-модда);

14) Ёлғон гувоҳлик бериш (ЖК 238-модда);

15) Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-модда);

16) Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 301-модда).

Ушбу коррупцион жиноятларга қарши курашиш тараққиёт йўлини тутган ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаларидан бири саналади. Бироқ бу осон иш эмас, чунки коррупция яширин тарзда, жиноий тил бириктириб содир этилади. У одатда, шикоят берилишига сабаб бўлмайди, сабаби айбдор тарафлар қонунга хилоф равишда тузилган битимдан наф қўрадилар.

Акмал ҚОДИРОВ,
капитан.

Бу ёруғ оламда инсондай онгли, раҳмдил ва айни вақтда унингдек ваҳший мавжудот бўлмаса керак. Бир марта инъом этилган ҳаётнинг қадрига етиб, ўзидан яхши ном қолдирганларни ҳалқимиз узоқ вақт эслаб юради. Бироқ ёмонликнинг исноди оғир экан: у инсоннинг етти пуштига ҳам етиб ортаркан...

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилган йилларим эди. Хизматдан бўш вақтимиз бўлгани учун ҳамкасбим, капитан Бобомурод Зарипов билан туман маданият саройига бордик. Ўша куни «Бобби» номли ҳинд фильми намойиш этилаётганди. Мириқиб томоша қилаётганимизда бирданига фильм тўхта-тилиб, ҳамкасбим ва мени зудлик билан ташқарига чиқишимиз лозимлигини киночи йигит овоз кучайтиргич орқали эълон қилиб қолди.

Норози бир қиёфада ташқарига чиқсак, туман ИИБ навбатчилик қисми ходими бизни кутиб турарди. Зудлик билан бошлиқ йўқлаётганини айтди. Борганимизда эса нима гап эканлигини англадик: раҳбаримизнинг айтишича, Катта Занг каналдан инсоннинг оёғига ўхшаш нарса оқиб келган экан. Бунинг тагига етиш борасида топшириқ олгач, вақтни бой бермай ўша жойга отландим. У ерга туман прокуратураси ходимлари ҳам изма-из етиб келишди. Сувга тушиб, канал ўртасида қалқиб турган матога ўралган нарсани олиб чиқдим. Очиб кўрганимизда ҳақиқатан ҳам инсон танасининг бир бўлаги – оёғи эди.

Шу тобда бу ерда тўпланган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг фикри-зикрини оёқ кимга тегишли ва бундай ваҳшиёна жиноятни ким содир қилди экан деган ўй банд қилганди.

Шундан сўнг қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилган бўлса-да, бироқ жиноят содир этилган жой ва бошқа ашёвий далилларни топиш анча мушкул эди. Туман худудидан излар топилавермагач, ҳамкасбларим билан Катта Занг каналининг Шеробод, Қизирик туманларидан ўтувчи йўналиши сари отландик. Ангор туманига етиб келганимизда, овлоқроқ жойда, тупроқ остида деярли кўринмас ҳолга

келиб қолган сув қувури эътиборимизни тортди. Яқинроқ келиб қарасак, унинг ичида ваҳшийларча ўлдирилган аёл кишининг

Изқувар хотиралари

ниддинни қўлга олиш режасини ишлаб чиқдик. Аммо қотил анойилардан эмас экан. У бир куннинг ўзида туман худудидан қочиб қолишга улгурганди. Излар эса мени Тожикистон Республикасининг Кўлоб вилояти сари етаклади.

Белгиланган манзилга етиб келгач, шу жойдаги ҳамкасбларим билан биргаликда жиноятчи кўним топган хонадонни

олганида эса Оминахоннинг танаси аллақачон совиб улгурганди. Кейин жиноят изларини йўқотишга киришади. У тергов жараёнида барча қилмишларини тан олди. Жарқўрғон туман суди мазкур ишни кўриб чиқиб, унга ҳуқуқий баҳо берди – яъни Зайниддин 14 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда: «Жаҳл келса, ақл кетади», деган

ИСНОД



жасади ётарди. Мурданиннинг шахсини аниқлашга туман ИИБ эксперт-криминалистлари катта ҳисса қўшишди.

Шундан сўнг «Қотил ким экан?» деган савол ҳаммани ўйлантириб қўйди. Айтиш лозимки, бундай пайтларда фуқароларнинг кўргазмаси ва ёрдами воқеаларга аниқлик киритишда муҳим ўрин тутади. Ушбу жиноятни очишда ҳам уларнинг кўргазмаси қўл келди. Туман ИИБга ариза билан мурожаат этган аёл ўзини таништиради экан, турмуш ўртоғи – маиший хизмат корхонаси ходими Зайниддин (воқеа иштирокчиларининг исмлари айрим сабабларга кўра ўзгартирилган) кейинги даврда спиртли ичимлик истеъмол қилишга муккасидан кетгани, кечалари маст ҳолда уйга келиб, вояга етмаган фарзандларини ураётганини айтади. Шунингдек, қандайдир Оминахон исмли аёлга илакишиб қолганини ҳам маълум қилади...

Гапнинг рости, назаримда мазкур қотиллик жинояти билан боғлиқ бўлган калаванинг учи топилгандек бўлди. Шу боис зудлик билан Зай-

ўраб олдик. Шундай бўлишини аввалдан билган Зайниддин ўқотар қурол билан қуролланган экан. Ходимлар келганини пайқаб қолгач, уларга қарата ўқ узиб, қаттиқ қаршилик кўрсатди. Хизматни ўташ жараёнида жиноятчилар билан кўп бор юзма-юз келганим боис ҳамкасбларимга уни чалғитиб туришларини тайинладим. Ўзим эса бошқа томондан пусиб бориб, бир ҳамлада уни қуролсизлантирдим. Кейин гумон қилинувчини Жарқўрғон тумани ИИБга олиб келдим.

Тергов-суриштирув жараёнида Зайниддин Оминахон билан икки йилдан буён пинҳона дон олишиб юргани аниқланди. Ўша куни ҳам жазманини учрашувга таклиф қилишга борганида уни бозорда савдо қилувчи қассоб билан қуюқ сухбатлашаётганини кўриб рашк ўтида ёнади. Кечкурун пинҳона жойда кўришишгач, ароқ ичиб, аёлга кундузги воқеани эслатади. У эса гап нимадалигини ётиги билан тушунтириш ўрнига жанжал кўтаради. Шундан сўнг Зайниддин жаҳлини босолмай аёлнинг бир неча жойига пичоқ санчади. Эс-хушини йиғиб

гап бор. Инсон зоти борки, баъзан билиб-билмай ҳар хил ишга қўл уради. Киши гоҳида жаҳл устида маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноят ҳам содир этиб қўйиши эҳтимолдан холи эмас. Ана шундай пайтда унга нисбатан маъмурий чора кўрилиши ёки айбдор озодликдан маҳрум этилиши мумкин. Бу жазолаш билан бирга ғайриқонуний хатти-ҳаракат содир этган шахс ўз хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириши, бундан кейин ҳаётда тўғри йўл топиб олиши учун берилган имкондир. Одатда қилмишидан минг бор пушаймон бўлганлар гуноҳларини ювиш ниятида куч-ғайратини фақат яхши амалларга сарфлашади.

Лекин ваҳшийлик ва тубанликка одатланганларнинг ҳаммаси ҳам одамийлик кўчасига қайтавермас экан. Йиллар ўтиб Зайниддин жазо муддатини ўтаб уйига қайтди. Ишга жойлашишида, соғлигини тиклашида туман ИИБ ва тиббиёт бўлими ходимлари унга яқиндан ёрдам кўрсатишди. Қолаверса, маҳалладошлари ҳам ташлаб қўйишмади. Афсуски, кўрса-

тилган беминнат ёрдамлар зое кетди. Зайниддин ичкиликка ружу қўйди. Таниш-билишлари, вояга етиб, ўзини тутиб олган фарзандларининг уни бу йўлдан қайтаришга уринишлари натижа бермади.

Спиртли ичимлик ичиб сархуш бўлган Зайниддин бир куни ўртанча ўғли савдо қилаётган дўконга келиб, ундан ароқ беришини талаб қилади. Отасининг маст аҳволдалигини кўрган йигит ундан бундай ҳолатда кўчада юрмаслигини, тезда уйга боришини илтимос қилади. «Муроди» ҳосил бўлмаган ота «Сен менга ақл ўргатаяпсанми?» деб жанжал кўтаради. Ота-бола айтишиб қолишади. Зайниддин ўғлининг ёқасидан олганида одамлар уларни ажратиб қўяди.

Кайфи тарақ Зайниддин ҳар қанча уринмасин, ўзини босолмайди, аксинча, баттар ғазаб отига минаверади. «Ўз пуштикамаримдан бўлган ўғлим мендан бир шиша ароқни қизғанди-я. Қандай қилиб адабини берсам экан?» деган ўй ич-этини тирнарди. Ўзини ҳар ёнга уриб қўради. Охири қўшнисидан қарз олиб, бўкканича ичади. Сўнг оғилхонада турган ойболтани олиб, ўғли ишлаётган дўкон сари отланади. Дўконда одам кўп бўлгани учун пайт пойлаб туради. Харидорлар бироз каймайдан кейин, секин бориб ўз фарзандининг бўйнига зарб билан болта уради...

... Суд зали. Қотил ота устидан ҳукм ўқилади. Шу сабабли бу ерга тумонот одам тўпланган. Суд уни яна узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилди. Ҳамма ўз фарзандининг қотили бўлган бу кимсага нафрат билан қарамоқда. У эса ерга термулади, инсонийлик қиёфасини йўқотган ваҳший ҳатто шу пайтда ҳам бир оғиз кечирим сўрамади, қилган ишидан пушаймон эканини айттолмади. Одам қиёфасидаги бундай ваҳшийларни Яратган ҳам кечирмас керак. Ушбу воқеанин юз берганига кўп йиллар бўлди. Ачинарлиси шуки, унинг зурриёдлари ҳануз кўпга қўшила олмайди, пешоналарига тавқи лаънат босилгандек, гўё. Бундай исноднинг оқибати ёмонлигидан одамлар ёқа ушлаб, алҳазар, дейишади...

Ғулом АҲМЕДОВ,
истеъфодаги майор.

▼ Турмуш чорраҳаларида

Гулирухсор 18 ёшга кирган кунни туғилганига ҳали бир ой ҳам бўлмаган нури дийдасидан айрилиб қолди... У тенгилар ҳали ўйнаб-кулиб юрган бир паллада бу қизгина жигарпорасига аза тутапти. Умрининг гул фаслидаги аччиқ хотира энди уни тоабат таъқиб қилади...

...Мақтаб ёшига етар-етмас отасидан айрилган Гулирухсорни тақдирнинг аччиқ изғиринида паноҳсиз қолган лолақизғалдоққа ўхшатгим келади. Қош-кўзлари популдек, ёқимтойгина бу қизча кўҳликкина эди. Фақат сўзлаш қобилиятдан маҳрум эди. Оиланинг тўнғичи, бунинг устига қиз бола эмасми, онаси ундан ташвишга туша бошлади. Сабаби, ортиндан соядек эргашган йигитларнинг саноғи йўқ. Айниқса, Жасур исмли қишлоқдош йигитнинг тонготаргача уларнинг дарвозаси тагидан кетмаслиги онани кўп ўйланттирдди.

«Отаси йўқ, қиз боланинг тарбияси қийинроқ, узатиб юборсаммикин-а? Дадаси раҳматли тирик бўлганларида бу йигитлар дарвозамизга яқинлашишга ҳам журъат қилмасди. Шу кетишда қизгинамни ёмонотлиққа чиқариб юборишса нима қиларкинман?»

Онаизорнинг ўйлари ниҳоясига етай демас, тоғаю амакилар эса:

– «Тенги чиқса текин бер, ҳали ёш дейсан, бизнинг оналаримиз бунинг ёшида иккинчи, учинчи фарзандларини дунёга келтиришган-ку, мана, ҳаммаси соғ-саломат, яна нимани ўйлайсан», – дейишар, оқибатини эса ўйлашмас эди.

Гулирухсорнинг онаси дарвозанинг турумини бузай деяётган совчи-

ларга қандай жавоб беришга ҳайрон, улар эса келин бўлмишнинг ёшлигини инobatга олишмас ёки буни иташмасди.

Хуллас, совчилар орасидан Жасурнинг элчилари эпчил чиқишди. Онаизорни аврашди, алдашди, охири унинг розилигини олиб чиқиш-

Организми ҳали тўлиқ ривожланиб улгурмаган, бунинг устига руҳий босимлар сабаб Гулирухсорнинг ҳомиладорлик даври анчайин қийин кечди. Қайнонаси туғилажак бола набираси эканлиги, унинг саломатлиги айни кезларда фақат ва фақат онага боғлиқлигини ўйламасди. Ке-

фокорлари вилоят марказидаги туғуруқхонага жўнатишди, ҳозир шу ердამиз.

Бу хабардан кейин у дарҳол йўлга отланди. Туғуруқхонага борса, қизи бир аҳволда, бола чала туғилган, ҳали ўпкаси яхши ривожланмагани, туғуруқ оғир кечгани учун шифокорларнинг қатъий назорати остида экан. Ўтган бир неча кун давомида ҳар иккала оила аъзолари шифокорлар айтган барча дори-дармонларни ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилишди, аммо чақалоқнинг аҳволи ўнганмади. Қилинган сая-ҳаракатларнинг ҳаммаси бесамар кетди, у икки ҳафта ҳам яшамади.

Ўн саккиз ёш умрининг гул палласи. Бу ёшда дунё янаям рангин, гўзал, бетакорор кўринади. Аммо Гулирухсор ана шу рангинликни, ёшликнинг завқу шавқини тотиб улгурмай, бағри минг пора бўлди. Унинг бу қисматига ким айбдор? Фарзанди тақдирини ўйламаган онами, уни эрта турмушга узатишга ундаган қавму қариндошми? Ёки келиннинг ёшлигини инobatга олмаган қайнона ва бу ҳолатларга панжа орасидан қараган маҳалла фуқаролар йиғини раисию фаолларми?!

Истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар ўлимини камайтириш учун республикамизда кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Қизларни эрта турмушга беришнинг аянчли оқибатлари тушунтириляпти. Афсуски, тошга ўзи қоқилмагунча кўзи очилмайдиган айрим фуқароларимиз ўз бурчини сидқидилдан бажармаётгани сўнгги пушаймонларга сабаб бўлмоқда...

Гули Нигор АБАЗОВА.

ҚОРДА ҚОЛГАН ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

ди. Жасур ҳам Гулирухсордек сўзлаш қобилиятдан маҳрум қизга чин дилдан меҳр қўйган эди. Икки ёшнинг забонсиз, аммо бир-бирига меҳр билан тикилиши, кўзларида муҳаббатнинг тафти жилваланиб туришини кўрган борки, уларга бахт тилашарди.

Гулирухсор 17 ёшга тўлганида уларнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Совчиликка келишганида «Ўзимни қизимдек кўраман, биламан, ҳали ёш, шунинг учун янаям кўпроқ авайлайман» деган гаплар шунчаки ваъда эканлиги тўй ўтганидан кейин дарҳол аён бўлди-қолди. Ҳали болалик дунёсидан батамом узилмаган, қавму қариндошларининг эркаси бўлган келинчакнинг янги оилага кўникиши қийин кечди. Чунки қайнота ҳар кун ичиб келиб жанжал қилар, қайнона эса аламини келинидан оларди. Бу хонадонда фақатгина Жасур уни авайларди холос.

лин ҳомиладорлиги сабаб кучсизланиб қолган бўлса-да, оғир юмушларни ўзи бажариб, қайнонасига ёқишга уринар, бироқ бу ҳаракатлари бесамар кетарди. Кунига икки марта қозон осар, мазали овқатлар пиширар, шунга қарамай баъзида ўзи кунни бўйи оч қолиб кетарди. Овқатланаман, деб турганида қайнонасининг захарханда гаплари сабаб ноилож дастурхон атрофидан туриб кетарди.

Ёз чилласидаги телефоннинг бемаҳал кўнғироғи Гулирухсорнинг онасининг тинчини бузди. Хавотир аралаш гўшакни кўтарса, қудаси экан.

– Кудажон, суюнчи беринг, неварали бўлдингиз...

– Ие, тинчликми, ҳали вақт бор эди-ку. Қизимнинг аҳволи яхшими, неварам ҳам саломатми? – онаизор бир нарсани сезгандек кўнгли увушиб кетди.

– Ҳа, ҳаммаси жойида, қизингизнинг кеча тоби қочди, қишлоқ ши-

▼ Ноқонуний иш — келтирар ташвиш

КЎЗА КУНИДА СИНДИ

Кишининг нияти холис, эзгу бўлса, барча орзуси ушалаверади. Аммо тўғри йўлдан чалғиган, даромад олиш илнжидида хуфия ишлардан тап тортмайдиган кишининг бир кун келиб боши деворга урилиши, ҳамма ноқонуний ишлари ошкор бўлиши турган гап. Ахир, кўза кунда эмас, кунда синди деб бежиз айтишмаган. Бунга А. Шукур ва унинг укаси А. Одилбек (исм шарифлари ўзгартирилган)ларнинг ҳаёти ёрқин мисолдир.



А. Шукур тўрт йил муқаддам хусусий корхона очди. Асосий фаолият йўналиши кинофильмлар ва компьютер дастурлари сотишдан иборат бўлганлиги боис корхона ёнида аудио-видео дисклар сотиладиган савдо дўконини ҳам ташкил қилди. Дўконни укаси Одилбекка ишониб топширди. Аммо укасининг «ишбилармон»лиги иккисига ҳам қимматга тушди.

Гап шундаки, Одилбек сотувдан тушган пулларни киним қилмасдан, мўмай даромад кўрарди. Бундан ташқари, дўкондаги дискларнинг аксариятининг киним ҳужжатлари йўқ эди. Бундай хатти-ҳаракат қонунга зид эканлигини билишса-да, бу

ака-укаларнинг парвойига келмасди. «Кўрган билан кўз тўймас, тек турмоққа нафс қўймас», деганлари шу бўлса керак-да.

Дўконда ўтказилган қисқа муддатли текширув мобайнида ашёвий далил сифатида олинган компьютернинг ташқи хотирасида порнографик мазмундаги фильм ва лавҳалар борлиги аниқланди. Тегишли идоралар хулосасига кўра, мазкур фильмлар беҳаёликни тарғиб этувчи видео маҳсулотлар деб баҳоланди. Шунингдек, 2224 дона ҳар хил турдаги дискларнинг 40 тасида ва «Delux» номли компьютер хотирасида «Ўзбекино» миллий агентлиги ҳузуридаги эксперт комиссияси

томонидан республика ҳудудида намойиш этиш, сотиш ҳамда кўпайтиришга тавсия этилмайдиган фильм ва лавҳалар сирасига кирадиган, беҳаёлик ва ваҳшийликни тарғиб этувчи видео маҳсулотлар борлиги маълум бўлди.

Ноқонуний иш бугун бўлмаса, эртага ошкор бўлади, ташвиш келтиради. Жиний ёки маъмурий жавобгарликка олиб келади. Ака-ука Шукур ва Одилбеклар ҳам эндиликда юқоридаги хатти-ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

У. ҚАЮМОВ,
катта лейтенант.
Навий вилояти.

▼ ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

НИҚОБ ТАҚҚАН КИМСАЛАР

Тунда юзига ниқоб таққан икки кимса пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи А. Шоиранинг уйига бостириб кирди. Уй бекасини пичоқ билан кўрқитиб, 3 миллион сўм ва 200 АҚШ доллари миқдоридаги пулни олиб кетишди.

Жабрланувчи бу ҳақда зудлик билан туман ИИБга хабар бергач, воқеа жойига тергов-тезор гуруҳи етиб келди. Ҳолат билан танишиб, зарур чора-тадбирларни амалга оширишди. Кўп ўтмай ушбу жиноятни содир этишда гумон қилинган А. Асад ва С. Ботир қўлга олинди.

Айни пайтда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ЭГРИҚЎЛ МАҲАЛЛАДОШ

Бухоро шаҳрида яшовчи Ж. Омон шаҳар ИИБга ариза билан мурожаат қилиб, кимдир ётоқхонасидан 2 миллион 300 минг сўм, 300 АҚШ доллари ва турли ҳужжатларни ўғирлаб кетганини маълум қилди.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳолат юзасидан суриштирув-қидирув ишларини олиб боришди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу ўғриликни жабрланувчининг маҳалладоши Б. Боир содир этгани аниқланди.

АВТОМАШИНА ТОПИЛДИ

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида истиқомат қилувчи С. Асрорбек туман ИИБ навбатчилик қисмига ўзига тегишли «Нексия» автомашинаси уйи олдида олиб қочиб кетилгани ҳақида хабар берди.

Тезкорлик билан олиб борилган тадбирлар натижасида ўғрилланган автомашина «Наврўз» кўргони ҳудудидан ўтувчи «Тошкент – Термиз» йўлидан техник носоз ҳолатда топилди. Бироз вақтдан кейин мазкур жиноятни содир этишда гумон қилиниб шу туманда яшовчи Э. Бобоёр, Э. Олим ва Я. Дилшод қўлга олинди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилляпти.

ЙЎЛТЎСАР ЗЎРАВОН

Эрталаб зарурат туфайли Янгийўл туманига келган оққўрғонлик К. Элёр Тошкент шоҳқўчасида кетаётганида рўпарасида нотаниш бир кимса пайдо бўлди. У Элёрни кўрқитиб, қимматбаҳо телефон аппаратини тортиб олди.

Воқеадан хабар топган ички ишлар идоралари ходимлари зарур чораларни кўриб, тез орада зўравонни аниқлашга муваффақ бўлишди. Ушбу талончиликни содир этганликда гумон қилинган Й. Мурод қўлга олинди.

Шерали АНВАРОВ,
майор.

Қутлов ўрнида

ИЖОДКОР БАХТИ

Ўзининг салкам 40 йиллик умрини Сурхондарё воҳаси матбуоти равнақиға бахшида этиб, ана шу йўлда фидойилик кўрсатаётган устоз-мураббий, журналист Жуманазар Аноров муборак 60 ёшга тўлди. Унинг илк хабари «Жарқўрғон ҳақиқати» газетасида чоп этилганда эндигина 13 ёшга қадам қўйганди. Кейинчалик ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаб, дастлабки иш фаолиятини вилоят газетаси таҳририятида мусаҳҳиҳликдан бошлади. Устозларининг панд-

насиҳати, ўғитлари туфайли қалами чархланиб борди, туман газеталари таҳририятларида бўлим мудирини, масбул котиб, муҳаррир ўринбосари лавозимларида ишлади. Вилоят прокуратураси муассислигидаги «Адолат тарозиси» газетаси ҳамда «Адолат» телевидениеси бирлашган таҳририятига, Термиз ҳарбий прокуратурасининг «Бурч» газетаси таҳ-

ририятига раҳбарлик қилди. Бугунги кунда эса вилоят ИИБнинг «Халқ посбони» газетаси бош муҳаррири сифатида вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг халқ ошо-йшталлигини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиши борасида эришаётган ютуқларини матбуот орқали кенг жамоатчиликка етказиб, уларнинг машаққатли ва фидоко-

рона фаолиятини ушбу наир саҳифаларида тасвирчан қилиб ёри-тилишига бош-қош бўлмоқда.

Айни пайтда ҳам беш нафар фарзандни эл қаторига қўшиб, қўлаб невараларнинг бобосига айланган Ж. Аноров ҳамон ҳормай-толмай ижод қилиб келаяпти. У ислоҳотлар жараёнини ҳаётимизда юз бераётган улкан ўзгаришларни маҳорат билан қаламга олмоқда.

Ўрнатилган устоз! Келгусида ҳам ижод қилишдан ҳеч қачон чарчаманг, доимо соғ бўлинг.

Тўра РАҲМОНҚУЛОВ.
Сурхондарё вилояти.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Тошкент шаҳар ИИББ Маънавият ва маърифат маркази бошлиғи Маъруф ГАДОЕВни 55 ёшга тўлгани билан самимий табриклаймиз. Азиз ҳамкасбимизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, хонадонидан тинчлик, фаровонлик аримаслигини тилаймиз.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

«САРЛОЧИН» – ТУРНИР ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги ва ИИБ Академияси ташкил топганининг 21 йиллиги муносабати билан тавлим муассасаси тингловчи-курсантлари ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди. Анъанавий турнирда 1-ўқув курсининг «Камолот», 2-ўқув курсининг «Қалқон», 3-ўқув курсининг

«Истиклол», 4-ўқув курсининг «Сарлочин», олий академик курсининг «Бунёдкор» ва Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларининг курсантларидан ташкил топган «Матонат» жамоалари қатнашди. Мусобақа низомига кўра, жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро беллашдилар. Гуруҳ ғолиблари эса финал баҳ-

сида майдонга тушди. Турнир «Қалқон» ва «Истиклол» жамоалари ўртасидаги учрашув билан бошланди. Қизикарли ўтган ўйинда «Истиклол» 3:0 ҳисобида ғалаба қозонди. «Сарлочин» – «Камолот» баҳсида ҳам ийрик ҳисоб қайд этилди – 4:1. Айтиш керакки, «Сарлочин» жамоаси гуруҳдаги кейинги ўйинда ҳам рақибидан яққол ус-

тунлигини намоён қилди. Натижада Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари курсантларининг «Матонат» жамоаси 6:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Худди шунингдек, «Истиклол» жамоаси аъзолари ҳам гуруҳдаги иккинчи баҳсда зафар кучиб, финал йўлланмасини қўлга киритишди. Мусобақанинг ҳал қилувчи баҳси кутилганидек қиз-



гин курашларга бой тарзда ўтиб, унда «Сарлочин» футболчилари зафар кучди. Шундай қилиб, мусобақа ғолиби – «Сарлочин»

жамоаси биринчи даражали диплом ҳамда кубок билан тақдирланди. **Муродхон ТўРАЕВ,** майор.

▼ Футбол. ЖЧ саралаш босқичи

Футбол ишқибозлари миллий терма жамоамиз иштирокида Тошкентда ўтадиган ўйинларни соғиниб қолган эди. Аниқроғи, ёрқин, ҳужумкор ва голларга бой ўйинларни. Айнан шунинг учун ҳам бундан бир кун олдин «Пахтакор» стадионида ўтказилган Яман миллий терма жамоасига қарши учрашувни минглаб муҳлислар бевосита ўйингоҳда кузатишди. Бироқ уларнинг умиди ва ишончи деярли оқланмади. Ўйинни футболчиларимиз кетма-кет ҳужумлар билан бошлашди. Меҳмонлар эса, аксинча, ҳимоявий тактика асосида тўп суришни маъқул кўрди. Бу, қайсидир маънода, ўзини оқлади. Бир неча қулай

ИККИНЧИ ЎЙИН, ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

вазиятлардан фойдалана олмаган терма жамоамиз аъзолари танаффусга 0:0 ҳисобини қайд этган ҳолда чиқиб кетдилар. Иккинчи бўлим бошиданок бош мураббий Самвел Баба-ян таркибда ўзгаришни амалга оширди. Негадир ўйини унчалик ҳам қовушмаган Сервер Жепаров ўрнига узоқ вақт терма жамоага чақирилмаган Александр Гейнрих туширилди. Тан олиш керакки, ушбу ўзгартириш тезда ўз самарасини берди. Ҳужумчи терма жамоамизнинг янги сардори Одил Аҳмедов «ишлаган» жарима тўпини 51-дақиқада

аниқ дарвозага йўллади – 1:0. Мазкур ҳисоб ўйин сўнгига қадар ўзгармай қолди. Шу тариқа, миллий терма жамоамиз иккинчи ўйинда биринчи ғалаба ва дастлабки 3 очкони қўлга киритди. Гуруҳдаги иккинчи учрашув Бахрайн ва КХДР миллий терма жамоалари ўртасида ўтказилди ва ўйин меҳмонларнинг кичик ҳисобдаги ғалабаси (1:0) билан якунланди. Натижада КХДР уч ўйинда 9 очко жамғарган ҳолда гуруҳда яққол пешқадамга айланди. Иккинчи ўринда эса Филиппин терма жамоаси, улар ҳисобида 6 очко бор.

Футболчиларимиз кейинги турда айнан филиппинликларга қарши майдонга тушади. Боз устига, сафарда. Самвел Баба-ян шогирдлари учун мазкур учрашувнинг ниҳоятда қийин кечиси турган гап. Чунки гуруҳ ўйинларини муваффақиятли бошлаган Филиппин терма жамоаси бу ўйинда ҳам ғалаба қозонишни ис-тайди. Шу боис футболчиларимиздан фақат ва фақат ғалабага эришиш талаб этилади. Мабодо терма жамоамиз Манилада очко йўқотадиган ва КХДР кейинги икки ўйинда ҳам зафар қучадиган бўлса, саралашнинг 3-босқичи

йўлланмасидан қуруқ қолиши-миз мумкин. Шу кун бошқа гуруҳларда ҳам учрашувлар ўтказилди. «Н» гуруҳидагидан фарқли равишда ушбу ўйинлар голларга бой бўлди. Хусусан, Қатар – Бутан учрашувида энг ийрик – 15:0 ҳисоби қайд этилди. Шунингдек, «А» гуруҳида БАА терма жамоаси Малайзияни 10:0, Саудия Арабистони Шарқий Тиморни 7:0, «В» гуруҳида Австралия Бангладешни 5:0, «D» гуруҳида Эрон Гуамни 6:0, «E» гуруҳида Япония Камбоджани 3:0, «F» гуруҳида Ироқ Тайванни 5:1, «G» гуруҳида Жанубий Корея Лаосни 8:0, Қувайт Мьянмани 9:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. **К. АБДУЛЛАЕВ.**


3-турдан кейинги ҳолат

«А» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
БАА	2	2	0	0	11-0	6
Саудия Арабистони	2	2	0	0	10-2	6
Фаластин	2	1	0	1	8-3	3
Шарқий Тимор	3	0	1	2	1-9	1
Малайзия	3	0	1	2	1-17	1

«В» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Австралия	2	2	0	0	7-1	6
Иордания	2	1	1	0	3-1	4
Қирғизистон	3	1	1	1	4-3	4
Тожикистон	2	0	1	1	2-4	1
Бангладеш	3	0	1	2	2-9	1

«С» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Гонконг	3	2	1	0	9-0	7
Қатар	2	2	0	0	15-0	6
Хитой	2	1	1	0	6-0	4
Мальдив	2	0	0	2	0-3	0
Бутан	3	0	0	3	0-27	0

«Д» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Уммон	2	2	0	0	5-2	6
Гуам	3	2	0	1	3-7	6
Эрон	2	1	1	0	7-1	4
Туркменистон	3	0	1	2	2-5	1
Ҳиндистон	2	0	0	2	2-4	0



«Е» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Сурия	2	2	0	0	7-0	6
Сингапур	3	1	1	1	4-1	4
Япония	2	1	1	0	3-0	4
Афғонистон	2	1	0	1	1-6	3
Камбоджа	3	0	0	3	0-8	0

«F» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Таиланд	2	2	0	0	3-0	6
Ироқ	1	1	0	0	5-1	3
Индонезия	0	0	0	0	0-0	0
Вьетнам	1	0	0	1	0-1	0
Хитой Тайпейи	2	0	0	2	1-7	0

«G» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
Қувайт	2	2	0	0	10-0	6
Жанубий Корея	2	2	0	0	10-0	6
Ливан	2	1	0	1	2-1	3
Лаос	3	0	1	2	2-12	1
Мьянма	3	0	1	2	2-13	1

«Н» гуруҳи						
Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
КХДР	3	3	0	0	8-2	9
Филиппин	2	2	0	0	4-1	6
Ўзбекистон	2	1	0	1	3-4	3
Бахрайн	2	0	0	2	1-3	0
Яман	3	0	0	3	0-6	0

Ҳуқуқий маслаҳатхона

МЕРОС ҚАЙ ТАРТИБДА ТАҚСИМЛАНАДИ?

? – Мерос тақсимлаш қай тартибда амалга оширилади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Сардор ҲОТАМОВ.
Сирдарё вилояти.

! – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддасига биноан қуйидаги шахслар меросхўр бўлиши мумкин:

- 1) мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган қариндошлар;
- 2) мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган, мерос очилгандан кейин туғилган болалар;
- 3) мерос қолдирувчининг авлодлари, фарзандликка олинганлар, қон-қариндошлик муносабатлари билан боғланган бошқа шахслар;

4) мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар;

5) бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддаси талабларига биноан меросни тақсимлаш меросхўрларнинг келишувига кўра, ўзларига тегишли улушларига мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида амалга оширилди.

Саволга ҳуқуқшунос Дилфуза АМИРОВА жавоб берди.

ОТАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ЭТИЛАДИМИ?

? – Яқин танишим хотини билан анча вақтдан буён келишолмай, охири ажрашишга қарор қилишди. Лекин танишимнинг топган-тутгани хотинининг номига расмийлаштирилган экан. Энди хотини «Булар меники, менинг номимга олинган, сенга бир тийин ҳам бермайман», деб туриб олган. Ўртада битта фарзанд бор. «Фарзандимни ҳам бошқа кўрмайсан, сени оталик ҳуқуқидан маҳрум эттираман» деб дағдаға қиляпти. Танишим энди ҳеч нарсасиз қоладими, оталик ҳуқуқидан ҳам маҳрум этиладими?

Малик САМАДОВ.
Хоразм вилояти.

! – Никоҳ даврида олинган мол-мулк, у хоҳ эр, хоҳ хотин томонидан бўлсин, ажрим вақтида баравар тақсимланади. Бу ҳолатда эр ёки хотиннинг яққа даъвогарлик қилишга ҳаққи йўқ. Фарзандларига келсак, ота бир-


гина онанинг гап-сўзларига таяниб, оталик ҳуқуқидан маҳрум этилмайди. Бунинг учун қонунда белгиланган ҳолатлар мавжудлиги аниқланса, яъни:

– оталик мажбуриятларини бажариш, алимент тўлашдан бўйин товласа;

– болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;

– муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсагина оталик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос Саида МАҚСУДОВА жавоб берди.

				Франциядаги шаҳар					
Миллионлар уйини	Саид Аҳмад асари	Расмий учрашув	Хордиқ	Ўтга чидамли маъдан	Муқимий асари	Ўй ҳайвони	Ўзбек мумтоз шоири		
	Молия фани			Европада шаҳар					
			Эркак исми	Ҳуқуқга эга				Сатҳ улчови	
	Америка тоғлиги								
			Покистондаги провинция			Тинч океанидаги орол			
	Тош (форс)	Аёл исми	Ҳусан ОРИПОВ тузди		Ёғ модда	Ялта маскани		Бадий асарлар тўплами	
			Миллат (Осиё)						
	Кавказдаги дарё	Нозли ҳаракат		Бегона ўт	Германия автомаркаси	Тишлар ўрни	Ошхона анжоми		
				Иноқ, ахил	Юпитер йулдоши	Вьетнам дарёси	Жуда тўла		
Саноат тармоғи	Олтин фасл						Фа-ришта	Тупроқ	
			Хижолат, ранж	Қирқ кунлик давр				Равшан эмас, гумон	

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ҲООБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Мурод Пўлатовга онаси
СУРАЙЁ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти раҳбарияти ва шахсий таркиби билим юртининг ўқув жараёнини таъминлаш батальони секция командири, кичик сержант Э. Ҳамроевга отаси
Ҳамроқул МАНТУЕВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.



МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ



Мақсадингизга эришишни истасангиз, қатъиятли бўлинг. Барча масалаларни ҳал этиш ҳамда вазиятни ижобий томонга ўзгартиришда иштирок этасиз. Бунда топқирликни ва айёрликни ишга солишингизга тўғри келади. Бўш келмасангиз, охир-оқибатда ҳамма зиддиятли ҳолатларнинг ечимини топасиз ҳамда оилангизда тинчлик-осойишталикка эришасиз.

СИГИР



Ҳозир олдингизда аниқ мақсад мавжуд. Ҳатто бунга эришиш учун нималар қилишингиз кераклигини ҳам тасаввур этасиз. Барча мақсадларингиз амалга ошиши учун чидамли, сабр-тоқатли бўлишингиз лозим. Бошқалардан ёрдам кутиб ўтирмасдан, фақат ўз куч ва имкониятларингизга ишонинг. Тўғри, яқинларингиз сизни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади.

ЭГИЗАКЛАР



«Нималар қилиш зарур? Қай йўсинда йўл тутсам тўғри бўлади?» қабилидаги ўй-фикрлар анча вақтингизни ва кучингизни олади. Ушбу ҳафтада осонроқ йўл танлашингизни маслаҳат берамиз. Ҳаёт оқимининг ўзи сизни кўзлаган манзилингизга олиб боради. Агар бўш вақтингиз бўлса, келажакда амалга оширадиган ишларингиз режасини тузинг. Тушқунликка берилманг.

ҚИСКИЧБАҚА



Турмушингизда уйғунликка эришиш, аҳволингизни яхшилаш учун ҳаётга, ҳеч бўлмаганда юзага келган вазиятга нисбатан қарашларингизни тубдан ўзгартиринг. Юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бошқа томондан назар ташланг. Шундагина асосий жараёнларнинг қандай қилиб рўй бераётганлигини тушуниб етасиз. Энг муҳими муваффақиятлар калитини қўлга киритасиз.

АРСЛОН



Янги таассуротларга эга бўласиз, ажиб ҳис-туйғуларни бошдан кечирасиз. Ўтмишингизга боғлиқ кўнгилсиз воқеаларни унутиб, ҳаётга умид билан қарай бошлайсиз. Мабодо ижодкор бўлсангиз, ҳаёлингизда янги гоғлар туғилади, ўзингизни намоён этиш имконияти кенгайди. Режаларни амалга ошириш учун фаол ҳаракат қилинг. Шахсий ҳаётингизда ижобий ўзгаришлар юз беради.

ПАРИЗОД



Авваламбор ўзингиз аниқ бир қарорга келишга қийналасиз. Қолаверса, бошқалар билан муроасага келиш янада мураккаброқ кечади. Мақсадга етишишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам тўғри деб бўлмайди. Орзу-хаёлларга берилиб, ҳақиқий ҳаётдан узоқлашманг. Ҳар қандай вазиятда ҳам ақл-заковатингизга таяниб иш кўринг.

ТАРОЗИ



Ҳафтанинг бошида оилангизга эътиборли бўлинг. Ҳозир бунинг айна пайти. Ҳафтанинг ўрталари қизиқарли воқеаларга бой бўлади. Фақат бир жойда ўтириб ишлашингиз ҳамда бошлаган ишингизни охиригача етказиб қўйишингиз қийин кечади. Бироқ янги ишларни осонгина бошлайсиз. Воқеалар ривожини назоратингиздан чиқармаслик учун шошма-шошарлик қилманг.

ЧАЁН



Ҳалигача оила қурмаган бўлсангиз, ушбу ҳафта ўзингизга ҳар томонлама мос умр йўлдоши топишингиз учун қулай фурсат ҳисобланади. Турмуш қурганингиздан сўнг ҳаётингиз янги мазмун касб этади. Тақдирнинг туҳфасини кутиб ўтирманг, балки ҳаётда ўзингизга керакли имкониятни ўзингиз яратинг. Шундагина керакли натижаларни қўлга кирита оласиз.

ЁЙ



Эҳтиросларга берилишингиз яхшиликка олиб келмайди. Бундай вазиятда хатти-ҳаракатларингизни назорат қила олмайсиз. Натижада ҳафтанинг бошида бошқалар билан муносабатларингизни ёмонлаштириб юборасиз. Кейин алоқаларни қайта тиклаш қийин бўлади. Шахсий ҳаётингизда қизиқарли воқеалар юз беради. Ўзингиз ёқтирмай қолган одам билан мулоқот қилмай қўясиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ



Ушбу ҳафтада бўлар-бўлмасга асабийлашманг. Ақс ҳолда қон босимингиз ошиши мумкин. Ҳис-туйғуларингизни жиловлашга ҳаракат қилинг. Ҳар қандай вазиятда ҳам жаҳлингизга эрк берманг. «Бошқаларга зиён етказмай яша» шиорига амал қилинг. Ўзингиз ёқтирмаган шахслардан узоқроқ юринг. Ўз фойдангизни кўзлаб номақбул ишларга қўл урманг.

ҚОВҒА



Муносабатларда ўзингизнинг янги жиҳатларингизни намоён этасиз. Биринчидан, эҳтиросларингизни тизгинлаб оласиз. Бу ҳолат ҳар томонлама мукамал инсонга дуч келганингиз билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, ишларни орқага сурмайсиз, уларни бажаришга қатъият билан киришасиз. Бу эса ўйлаган барча мақсадларингизни охиригача амалга оширишга имкон беради.

БАЛИҚ



Ҳафтанинг бошида кўнгилсиз воқеаларни хотирлаб, тушқунликка тушишингиз мумкин. Хуллас, ўзингизни яхши ҳис қилмайсиз. Аммо ҳафтанинг иккинчи ярмидан бошлаб янги вазифалар бадбин ўй-хаёлларни унутишингизга ёрдам беради. Қатъият билан фаолият юритишингиз орқали мўмай даромадни қўлга киритишингиз мумкин. Оилавий муносабатларингиз ҳам изга тушиб кетади.